

УДК: 616.71-007.234, 618.173

TORCH ИНФИЦИРЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КЕЧАДИГАН ГЕРПЕТИК СТОМАТИТНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ АЪЗО ВА ТЎҚИМАЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ ВА КЛИНИК БАҲОЛАШ



Олимов Сиддиқ Шарифович, Шарипова Гулнихол Идиевна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

ИССЛЕДОВАНИЕ И КЛИНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ГЕРПЕТИЧЕСКОГО СТОМАТИТА НА ОРГАНЫ И ТКАНИ ПОЛОСТИ РТА У ИНФИЦИРОВАННЫХ TORCH ПАЦИЕНТОВ

Олимов Сиддик Шарифович, Шарипова Гулнихол Идиевна
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

INVESTIGATION AND CLINICAL EVALUATION OF THE EFFECT OF HERPETIC STOMATITIS ON THE ORGANS AND TISSUES OF THE ORAL CAVITY IN TORCH INFECTED PATIENTS

Olimov Siddiq Sharifovich, Sharipova Gulnigol Idiyevna
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: s.olimov5@gmail.com, gulniholsharipova86@gmail.com

Резюме. Тадқиқотнинг мақсади. TORCh инфекциялар мавжуд катта ёшли беморларда герпетик стоматитларни комплекс даволаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат бўлган. Тадқиқотнинг объекти. Бухоро шаҳридаги “САРМЕН plus” тиббиёт марказига мурожаат этган 150 нафар TORCh инфекциялар аниқланган, герпетик стоматит таъхисланган 20-35 ёшли беморлар, назорат учун 30 нафар шу ёшдаги TORCh инфицирланмаган беморлар ва 30 нафар соғлом шахслар олинган. Натижалар ва таҳлиллари. Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, цитологик тадқиқотлар учун жасроҳатланган юзадан суртма, оғиз суюқлиги, сўровнома натижалари, беморларни даволаш натижалари, уларнинг амбулатор карталари олинган. Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариши учун стоматологик, клиник-функционал, лаборатор, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган. Хулоса. TORCh инфицирланган беморларда оғиз бўшлиғи аъзолари ва герпетик стоматитларни тўқималарига таъсири, TORCh инфицирланган беморларда кариеснинг интенсифлиги ва тарқалиши, оғиз гигиенаси даражаси, пародонт тўқималарнинг ҳолати соғлом инсонларга қараганда бир неча баробар юқори эканлигини кўрсатади.

Калим сўзлар: TORCh инфицирланган беморлар, стоматология, герпетик стоматит.

Abstract. The purpose of the study: Detection, early diagnosis of herpetic stomatitis in TORCh infected patients, improvement of complex (using stomaspheres) and antiretroviral therapy. Material and methods. During the study period, 150 patients with TORCh-infected herpetic stomatitis aged 20-35 years applied to the CARMEN PLUS medical Center, of which 58 male patients, 92 female patients and 30 patients of the same age who did not receive TORCh were examined for the control group. Results and analysis. In accordance with the purpose of the study and the tasks set in the work, a comprehensive examination of all patients participating in the research work was carried out, including the collection of anamnesis, the study of the clinical and radiological condition of the tissues of the oral cavity and periodontal, as well as the qualitative and quantitative composition of the oral fluid, blood serum, lubrication of the oral mucosa. Conclusion. In accordance with the purpose of the study and the tasks set in the work, a comprehensive examination of all patients participating in the research work was carried out, including the collection of anamnesis, the study of the clinical and radiological condition of the tissues of the oral cavity and periodontal, as well as the qualitative and quantitative composition of the oral fluid, blood serum, lubrication of the oral mucosa.

Keywords: Patients with infected TORCh, dentistry, herpetic stomatitis.

Замонавий стоматологиянинг ривожланиши аҳоли орасида учрайдиган оғиз бўшлиғи билан боғлиқ турли патологик ҳолатларни эрта

ташхислаш, даволаш ва профилактикасини юқори даражага чиқариб, стоматологик хизматнинг самарадорлигини оширди. Шунинг оқибатида

кўплаб касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий юқори самарага эга усуллари ишлаб чиқилди ҳамда стоматологик амалиётга жорий этилди. Аммо, турли бактериялар, замбуруғли, айниқса вирусли касалликлар фоида кечувчи стоматологик касалликларни даволаш масалалари охиригача ечилмай қолган. Шулар жумласига герпетик стоматитлар ҳам кириб, TORCh инфекциялар фонида кечиши, давосини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишини бажаришни режалаштириш мақсадида шу муаммога оид илмий манбалар таҳлилини ўтказиб, шарҳини келтиришни лозим топдик.

TORCh инфекцияларнинг юқори солиштирма вазни ҳам демографик ҳолатга, ҳам она ва боланинг саломатлигига таъсир қилади. TORCh -гуруҳи инфекцияларнинг тиббий-ижтимоий жиҳатдан энг аҳамиятли ўзига хослиги уларнинг ҳомилани барча аъзо ҳамда тизимларига ва энг аввало унинг марказий асаб тизимига ҳалокатли таъсири ҳисобланади, ушбу таъсир бола тушиши, ўлик туғилиши ҳамда боланинг мажруҳлиги, унинг ривожланишида нуқсонлар шаклланиши ва ногиронликка олиб келиш хавфини оширади. Шу нуқтаи назардан TORCh инфекциялари орасида токсоплазмоз, кизилча, цитомегалия вирусли инфекция, шунингдек 1 ва 2-тип оддий герпес вируси чақирувчи инфекциялар алоҳида эпидемиологик аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади TORCh инфекциялар мавжуд катта ёшли беморларда герпетик стоматитларни комплекс даволаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳридаги “CARMEN plus” тиббиёт марказига мурожаат этган 150 нафар TORCh инфекциялар аниқланган, герпетик стоматит ташхисланган 20-

35 ёшли беморлар, назорат учун 30 нафар шу ёшдаги TORCh инфидирланмаган беморлар ва 30 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, цитологик тадқиқотлар учун жароҳатланган юзадан суртма, оғиз суюқлиги, сўровнома натижалари, беморларни даволаш натижалари, уларнинг амбулатор карталари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Кўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун стоматологик, клиник-функционал, лаборатор, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Асосий гуруҳ беморларимизда TORCh инфидирланганлиги туфайли буларда сурункали қайталанувчи герпетик стоматит устунлик қилди. Бунга мувофиқ таққослаш гуруҳ беморларини ҳам герпетик стоматит турларига бўлиб чиқилди. Таққослаш гуруҳида ўткир герпетик стоматитлар устунлик қилди. Бизнинг фикримизча тадқиқотга олинган асосий гуруҳ беморларида TORCh инфекциялари натижасида герпетик стоматитнинг қайта қайта авж олиши кузатилди ва шунга асосан тадқиқотимизни асосий касаллик фони ва антиретровирус терапияга мувофиқ олиб бордик (1-жадвал).


Тадқиқот давомида TORCh инфекциялари натижасида герпетик стоматитнинг шикастланиш элементларининг жойлашуви кўпроқ лунжнинг шиллик қаватида – 24 нафар (16,0%) беморда кузатилади, 23 нафар (15,3%) беморда – ретромоляр соҳанинг шиллик қаватида, 19 нафар (12,7%) беморда тилнинг шиллик қавати шикастланган, 27 нафар (18,0%) беморда – тил ости соҳасининг шиллик қавати, 21 нафар (14,0%) беморда милкнинг шиллик қавати, 16 нафар (10,7%) беморда – танглайда, 11 нафар (7,3%) беморда – юмшоқ танглайда ва 9 нафар (6,0%) беморда – лаб шиллик қаватида кузатилди (2-жадвал).

Жадвал 1. Герпетик стоматит мавжуд беморларнинг бўлиниши

Турлари	Асосий (n=150)		Таққослаш (n=30)		$\chi^2 = 2,010; p = 0,734$
	абс	М (%)	абс	М (%)	
Ўткир	18	12,0±2,65	21	70,0±8,37	
Сурункали қайталанувчи	132	88,0±2,65	9	30,0±8,37	

Жадвал 2. TORCh инфекциялари натижасида герпетик стоматит элементларининг жойлашуви

Жойлашуви	Асосий (n=150)		Таққослаш (n=30)		m
	абс	М(%)	абс	М(%)	
Лунж ШҚ	24	16,0	11	36,7	2,03
Ретромоляр соҳа ШҚ	23	15,3	2	6,7	2,03
Тил ШҚ	19	12,7	4	13,3	2,03
Тил ости соҳа ШҚ	27	18,0	3	10,0	2,03
Милк ШҚ	21	14,0	4	13,3	2,03
Танглай	16	10,7	3	10,0	2,03
Юмшоқ танглай	11	7,3	1	3,3	2,03
Лаб	9	6,0	2	6,7	2,03




Расм 1. Стоматологик касалликларнинг тарқалиши

Жадвал 3. Тадқиқот гуруҳларидагиларда нокариоз касалликлар тарқалиши

Гуруҳлар		Стоматологик касалликлар			
		Эмал эрозияси	Понасимон нуқсон	Гиперестезия	Патологик едирилиш
Асосий (n=150)	Мут	12	21	26	19
	%	8,0	14,0	17,3	12,6
	m	3,2	2,8	4,08	2,05
Таққослаш (n=30)	Мут	2	5	9	4
	%	6,6	16,6	30,0	13,3
	m	3,2	2,8	4,08	2,05
Назорат (n=30)	Мут	1	2	4	2
	%	3,3	6,6	13,3	6,6
	m	3,2	2,8	4,08	2,05

Изоҳ: Гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончилиги ($p>0,02$), назорат гуруҳи ўртасидаги фарқ ишончилиги ($p>0,05$)



Расм 2. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари тарқалиши

Жадвал 4. Тадқиқот гуруҳидаги беморлардаги ортопедик мосламалар нисбати

Протезлар	Асосий (n=150)		Таққослаш (n=30)		Назорат (n=30)	
	Мут	М (%)	Мут	М (%)	Мут	М (%)
Олинмайдаган	138	92,0	26	86,7	21	70,0
Олинадиган	12	8,0	-	-	-	-

Изоҳ: Гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончилиги ($p>0,02$), таққослаш ва назорат гуруҳ ўртасидаги фарқ ишончилиги ($p>0,05$)




К.У. 34 ёш (ҚГС) Асосий гуруҳ



Х.Х. 32 ёш (ҚГС) Таққослаш гуруҳ

Расм 3. Тадқиқотдаги беморлар фотолавларлари



Расм 4. Беморлар пародонт тўқимасининг ҳолати

Тадқиқот давомида олинган барча маълумотлар, тадқиқот картасига киритилди, унга О.С. Гилева билан ҳаммуал. (2008-йил) модификациясида ЖССТ тавсия қилган схема-топограммалар киритилди. Мазкур схемага мувофиқ оғиз бўшлиғи шиллик қаватида TORCh инфекциялари натижасида герпетик стоматитнинг энг кўп тарқалган жойлашуви аниқланди.

Клиник маълумотлар тадқиқот картасига киритилди, унга О.С. Гилева билан ҳаммуал. (2008-йил) модификациясида ЖССТ тавсия қилган схема-топограммалар киритилди. Мазкур схемага мувофиқ оғиз бўшлиғи шиллик қаватида TORCh инфекциялари натижасида герпетик стоматитнинг энг кўп тарқалган жойлашуви аниқланди. Герпетик стоматитлар ОБШҚ нинг турли соҳаларида кузатилди.

Стоматологик кўрув давомида тадқиқот гуруҳидаги TORCh инфицирланган беморларда стоматологик касалликлар тарқалиши ўрганилди (1-расм).

Тадқиқот давомида оғиз бўшлиғи кўриқдан ўтказилганида эрозия каби тишнинг нокариоз шикастланишлари қайд этилди, улар асосий гуруҳ

беморларининг 12 нафарига, таққослаш гуруҳда 6,6% ида, назорат гуруҳда 3,3% ида аниқланди (3-жадвал).

Понасимон нуқсонлар асосий гуруҳда 14,0%, таққослаш гуруҳда 16,6% ва назорат гуруҳда 6,6% беморда кузатилди. Тишларнинг патологик емирилиши асосий гуруҳда 12,6%, таққослаш гуруҳда 13,3% ва назорат гуруҳда 6,6% беморда кузатилди.

Текшириш натижалари давомида TORCh инфицирланган беморларда стоматологик касалликлардан гиперстезия, патологик едирилиш, понасимон нуқсон ҳар учала гуруҳда ҳам етакчилик қилди. Асосий касаллик фонидаги беморларда бу кўрсаткичлар бошқа текширув гуруҳ беморларига нисбатан 1,4 марта ошганини кўрдик. Бунда патологик едирилиш 19 нафар беморда, понасимон нуқсон 21 нафар беморда ва гиперстезия 26 нафар беморда кузатилди. Кандидоз касаллиги асосий тадқиқот гуруҳимизда бошқа гуруҳ беморларига нисбатан кўп учради (2-расм).

Назорат гуруҳидаги соғлом кўнгиллилардаги стоматологик касалликларни

текшириш шуни кўрсатдики, кариес касаллиги ва пульпит касаллиги таққослаш тадқиқот гуруҳи билан таққослаганда катта миқдорни кўрсатди (56,6% ва 30% ни ташкил қилди).

Аммо тишларнинг нокариоз касалликларидан эмал эрозияси, понасимон нуқсон, патологик едирилиш ва гиперстезия кўрсаткичлари барча тадқиқот гуруҳларига нисбатан назорат гуруҳида 2,5 мартага кам учраши аниқланди. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари асосий гуруҳ беморларда жуда катта фоизни ташкил қилди, бу улардаги сўлак функцияси ва оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетини пасайиши билан ҳамда асосий гуруҳ беморларда ортопедик мосламалар нисбатан кўплиги билан боғлиқ бўлди (4 - жадвал).

Тадқиқот давомида асосий гуруҳ беморларида олинмайдиган тиш протезлари 92,0% ни 138 нафар беморда кузатилди. Таққослаш ва назорат гуруҳ беморларида ҳам шундай кўрсаткич кузатилди.

Тадқиқот давомида олиб борилган текшириш натижалари бўйича барча тадқиқот гуруҳларидаги беморларда пародонт касалликлари кенг тарқалган ва уни ЖССТ 2018 йилдаги пародонт касалликлари таснифидан фойдаланилди (Jebsen, Caton et al., 2018; Albandar et al., 2018) (4- расм).

Асосий гуруҳ беморларимизда тадқиқот давомида соғлом пародонт ва енгил даражали пародонт учрамади. 51,33% беморларда ўрта даражадаги пародонт учради ҳамда 48,67% беморларда ўрта даражадаги пародонт учради. Ўрта даражадаги пародонт устунлик килди.

Таққослаш ва назорат гуруҳ беморларимизда соғлом пародонт устунлик килди (63,3% ва 53,3%). Таққослаш гуруҳ беморларимизда ўрта даражадаги пародонт 23,4% ни ташкил қилди. Оғир даражадаги пародонт таққослаш гуруҳида 1 нафар беморда учради. Назорат гуруҳ беморларимизда оғир даражаги пародонт учрамади.

Хулоса: TORCh инфицирланган беморларда оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарига таъсири шуни кўрсатадики, TORCh инфицирланган беморларда кариеснинг интенсивлиги ва тарқалиши, оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси ва периодонтал тўқималарнинг ҳолати соғлом инсонларга караганда бир неча баравар юқори. Бу ушбу контингент TORCh инфицирланган беморларда стоматологик ёрдамни ривожлантириш учун муҳим туртки ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Данилевский Н.Ф., Леонтьев В.К., Несин А.Ф., Рахний Ж.И. Заболевания слизистой оболочки

полости рта. - М.: Издательство ОАО "Стоматология"

2. Almas K., Maroof F., Mcallister C, Freeman R. Smoking behaviour and knowledge in high school students in Riyadh and Belfast. // Odontostomat. Trop. - 2002. - Vol. 25. - № 98. - P. 40 - 44.

3. Casiglia J., Woo S.B. A comprehensive review of oral cancer. // Gen. Dent. -2001. - Vol. 49. - № 1. - P. 72 - 82.

4. Faddy M.J., Gullinan M.P., Palmer J.E. et al. Ante-dependence modeling in a longitudinal study of periodontal disease: The effect of age, gender, and smoking status. // J. Periodontol. - 2000. - Vol. 71. - № 3. - P. 454 - 459.

5. Karshiyeva D.R., The Importance of Water Quality and Quantity in Strengthening the Health and Living Conditions of the Population//CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. Voleme: 02 Issue: 05I Oct 28 2021 Page 399-402

ИССЛЕДОВАНИЕ И КЛИНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ГЕРПЕТИЧЕСКОГО СТОМАТИТА НА ОРГАНЫ И ТКАНИ ПОЛОСТИ РТА У ИНФИЦИРОВАННЫХ TORCh ПАЦИЕНТОВ

Олимов С.Ш., Шарипова Г.И.

Резюме. Цель исследования: Выявление, ранняя диагностика герпетических стоматитов у инфицированных TORCh больных, совершенствование комплексной (с использованием стоматосфер) и антиретровирусной терапии. Материал и методы. За период исследования в медицинский центр "КАРМЕН ПЛЮС" обратились 150 пациентов с герпетическим стоматитом, инфицированным TORCh, в возрасте 20-35 лет, из которых было обследовано 58 пациентов мужского пола, 92 пациента женского пола и 30 пациентов того же возраста, не получавших TORCh, для контрольной группы. Результаты и анализ. В соответствии с целью исследования и задачами, поставленными в работе, проведено комплексное обследование всех пациентов, участвующих в исследовательской работе, включающее сбор анамнеза, изучение клинко-рентгенологического состояния тканей полости рта и пародонта, а также качественного и количественного состава жидкости полости рта, сыворотки крови, смазки слизистой оболочки полости рта. Заключение. В соответствии с целью исследования и задачами, поставленными в работе, проведено комплексное обследование всех пациентов, участвующих в исследовательской работе, включающее сбор анамнеза, изучение клинко-рентгенологического состояния тканей полости рта и пародонта, а также качественного и количественного состава жидкости полости рта, сыворотки крови, смазки слизистой оболочки полости рта.

Ключевые слова: Пациенты с инфицированными TORCh, стоматология, герпетический стоматит.